

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

2012 йил 24 ноябрь-21 декабрь даврида қабул қилинган, тақдим этилаётган, шунингдек бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

ТАЙЁРГАРЛИК УЧУН ЯРИМ ЙИЛ

20 декабрда Президент «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида» Қонунни (ЎРҚ-341-сон) имзолади, унда рухсат бериш тизимининг асосий



принциплари ва қоидалари белгиланган. Унинг меъёрлари тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга йўналтирилган.

Қонунда: тадбиркорлар ва давлат хизматчилари ўзаро муносабатларининг асосий жиҳатлари; рухсат бериш ҳужжатларини олиш босқичлари; уларни кўриб чиқиш ва бериш муддатлари; ҳужжатлар рўйхатига талаблар; рухсат бериш ҳужжатларининг амал қилиш муддатларини тўхтатиб туриш ва тугатиш тартиби акс эттирилган.

Қонунда муайян фаолиятни амалга оширишга рухсатномалар беришда «бир дарча» қоидаси назарда тутилган, унга кўра уларни берадиган давлат органи керакли ҳужжатларни ўзи йиғиб, бошқа тузилмалар билан мустақил келишиб олади.

Қонунда агар ваколатли орган тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддати мобайнида тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бермас эки уни беришни рад этмас, тадбиркорлик субъекти 30 иш куни ўтгандан кейин, бажарилиши ва (ёки) амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат олмоқчи бўлган ҳаракатни бажариш

ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига, бу ҳақда ваколатли органи ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, эга бўлиши белгиланди, қонун ҳужжатларида белгиланган алоҳида ҳоллар бундан мустасно.

Шунингдек Қонун билан тадбиркорлик субъекти ҳуқуқлари устуворлиги қоидаси белгиланди, унга мувофиқ рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектларининг фойдасига талқин қилинади.

Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 21 декабрдаги 248 (5668)-сонидан расмий эълон қилинган кундан эътиборан 6 ой ўтгач кучга киради.

ЯСТНИ ТўЛАШ ЯНАДА СОДДАЛАШАДИ

Президентнинг Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрларига доир қарори (25.12.2012 йилдаги ПҚ-1887-сон) билан 2013 йил 1 январдан қатъий белгиланган солиқни ҳисобга олган ҳолда ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори фақат чакана савдо корхоналари учун сақланиб қолади. Қолган ЯСТ тўловчилари, шу жумладан хизматлар кўрсатиш соҳасидаги корхоналар уни ер солиғининг 3 баравари миқдорини ҳисобга олиб тўлайдилар.

Ушбу ўзгартиришлар, биринчидан, бир неча фаолият турини амалга оширувчи, айниқса хизматлар кўрсатувчи корхоналарнинг ЯСТ ҳисоблашларини соддалаштириш имконини беради. Зеро уларнинг кўпчилиги бир чоракда ягона солиқ тўловини битта база бўйича, кейинги чоракда бошқа база бўйича ҳисоблашларига тўғри келар эди.

Иккинчидан, бухгалтерларнинг асосий фаолият турини белгилашда хатоларга йўл қўйиши бартараф этилади. Илгари уни икки

хил усулда: бошқа даромадлар бўйича ЯСТ ставкасини белгилаш учун – йил бошидан ўсиб боровчи яқун билан, энг кам миқдорини аниқлаш мақсадида – чорак учун (ўсиб бормайдиган яқун билан) ҳисоблар эдилар. Бундан ташқари, уларнинг энг кам миқдорини тўғри танлаганларини тасдиқлашларига тўғри келмайди.

Кичик корхоналар бухгалтерлари учун бу муаммо туғдирар эди. Янги йилдан бу каби англашилмовчиликларга барҳам берилди.

СОЛИҚ КОДЕКСИ: 50 МОДДАГА ЯНГИЛИК КИРИТИЛДИ

25.12.2012 йилдаги ЎРҚ-343-сон Қонун* билан солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, 2013 йил 1 январдан жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи суммаси ва ЭКИХнинг каррали миқдорларида назарда тутилган имтиёزلарни ҳисоблаб чиқариш учун энг кам иш ҳақи миқдорининг жорий йил 1 январидан ҳолати инобатга олинади.

1 январдан банкларнинг мижозлар ҳисобрақамларига масофадан туриб электрон хизмат кўрсатиш хизматлари ҚҚСдан озод этилди.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китобини солиқ тўловчилар сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги солиқ органларига йилига 1 марта, юридик шахслар (қишлоқ хўжалиги корхоналари бундан мустасно) – йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда, ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари эса – жорий солиқ даврининг 15 декабригача, Ўзбекистонда фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон норезидентлари ва яқка тартибдаги тадбиркорлар – солиқ давридан кейинги йилнинг 25 январигача тақдим этадилар.

Умумбелгиланган солиқларни тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар (ак-

цизланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўловчи фойдали қазилмаларни қавлаб олувчилар бундан мустасно) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилди.

Юридик шахс хўжалик суди томонидан банкрот деб топилган тақдирда, тугатишга доир иш юриштининг бутун даврида нафақат мол-мулк солиғи, ер солиғи, балки аввал ҳисобланган ва ундирилмаган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеня ва жарималарни ҳисоблаш ҳам тўхтатиб турилади.

Ҳужжат билан бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилди.

Қонун 2013 йил 1 январдан кучга киради.

ХОРИЖГА УЧИШ: АВИАЧИПТА ҚАЙСИ ВАЛЮТАДА СОТИЛАДИ?

Вазирлар Маҳкамаси 19.12.2012 йилдаги 357-сон қарори билан 1.08.2011 йилдаги Авиаташиш хизматларини амалга оширишни тартибга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги 224-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритди. Уларга мувофиқ 1 январдан бошлаб авиачипталарни хорижий валютага, шу жумладан трансферт ташишда сотиш ҳолларини назарда тутувчи қўшимча тартиб жорий этилади.

Хорижий валютадаги авиачипталарни қуйидагилар сотадилар:

хорижий авиаташувчилар, уларнинг ваколатхоналари ва агентлари – учиш ва қўниш пунктларидан қатъи назар Ўзбекистон резидентлари ва норезидентларига; миллий авиаташувчилар – авиаташишнинг учиш ва қўниш пунктидан қатъи назар Ўзбекистон норезидентларига ва авиаташишнинг бошланғич учиш пункти мамлакатимиздан ташқарида бўлса, Ўзбекистон резидентларига.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини эксперт-юрисларимиз Елена ЕРМОХИНА, Римма СОЛОДОВНИКОВА, Сардор ЖУМАШОВ тайёрладилар.

*«СБХ»нинг 27.12.2012 йилдаги 52 (960)-сонидан чоп этилди.

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ВА ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВЛАР

Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг янги йил байрами арафасидаги кенгайтирилган мажлисида Марказий банк ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (ТИАИСВ) раҳбарларининг мамлакатимиздаги электрон тўловлар ва электрон тижорат тараққиёти тўғрисидаги ахбороти тингланди. Мажлисида депутатлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, Марказий банк ва тижорат банкларининг, бизнес ҳамжамоаларининг, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Қўмита раиси Абдурашид Жўрабоев мажлисни очар экан, мамлакатимизда электрон тижорат, электрон банкинг ва электрон савдо роли ортиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Миллий иқтисодий ахборотлаштиришни тартибга солишчи қонун ҳужжатларимиз такомиллашиб бораётганлиги ҳам бунга кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Интернетнинг кенг саҳифали хизматларидан фойдаланиш имконини берадиган портлардан фойдаланилмоқда. Туркум коммутацияси халқаро марказларининг ўтказиш қобилияти 4 барабар ошди, халқаро Интернет тезлиги эса секундига 5,61 Гбит га етказилди. Хўжалик юритувчи 945 та субъект Интернетдан эркин фойдаланиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатмоқда. Эндиликда Интернет хизматларидан фойдаланаётганлар сони 9,2 млн дан ошди.

Ҳукумат қарори билан Марказий банк зиммасига электрон тўловлар соҳасида, ТИАИСВ зиммасига эса электрон тижорат соҳасида ваколатли давлат органи вазифаси юклатилган.

ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Марказий банк раисининг ўринбосари Шухрат Ҳайдаров электрон тўлов тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида ахборот берди. 2012 йил 1 декабрда бўлган ҳолатга кўра банк соҳасида 8 683 017 пластик карточка эмиссия қилинди, уларга 112 661 та савдо терминали хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилнинг бошларида ана шу кўрсаткичлар тегишинча 8 276 490 ҳамда 99 688 эди. Банк ахборот дўконтчалари сони йил бошидан буён 4 мартадан ҳам кўпроқ ортди ва 1 декабрда бўлган ҳолатга кўра 1 082 ни ташкил этди (2011 йил якунлари бўйича уларнинг сони 262 та эди).

Тўловлар қабул қилиш бўйича 25 минг агентлик филиалларига эга бўлган Халқ банки бугунги кунда уяли алоқа хизматлари, Интернетдан фойдаланиш, IP-телефония, коммунал хизматлар, суғурта, телевидение хизматлари ҳамда реал вақт режимдаги бошқа турдаги хизматлар ҳақини тўлаш имкониятини таъминламоқда. Ҳар куни ўрта ҳисобда умумий миқдори 6,5–7 млрд сўмга борадиган 2,5–3 млн пул ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда.

Банклар ҳисобварақларни масофадан туриб бошқариш бўйича хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтирмоқдалар. 1 декабрда бўлган маълумотларга кўра «Интернет-банкнинг»дан фойдаланувчилар сони

36 144 ни, «SMS-банкнинг»дан фойдаланувчилар эса 44 568 ни ташкил этди (йил бошида уларнинг сони тегишинча 35 510 ва 43 348 эди). 11 та банк «SMS-банкнинг» тизимига уланди, 3 та банкда эса бу тизим тест режими асосида фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозир мамлакатимизда Uzkart ягона банклараро тўлов тизими EMV стандартига ўтган ҳолда фаолият кўрсатиб келмоқда ва ривожланиб бормоқда. Бу тизим микрочип модулли банк карточкалари билан ҳисоб-китобни амалга ошириш учун 30 та тижорат банкининг тўлов тизимини бирлаштириб турибди. 1 декабрда бўлган



ҳолатга кўра Uzkart-EMV онлайн карточкалари сони 532 454 донани ташкил этди, Uzkart-EMV негизда 78 071 терминал рўйхатга олинган.

БИТИМ ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ТУЗИЛСА

ТИАИСВнинг жаҳон бозорлари маркетинги ва прогнози, барқарор шериклик муносабатларини ривожлантириш бош бошқармасининг бошлиғи Бекзод Очилов Ўзбекистондаги электрон тижорат ҳолати, муаммолари ва уни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида ахборот берди. Мамлакатимизда электрон тижорат юритиш учун ТСОЯЭАТ, Транзит товарлари ва транспорт воситаларининг ягона автоматлаштирилган назорат тизими жорий этилди. Иқтисодийнинг реал секторига мансуб корхоналарни иш билан таъминлаш, уларнинг барқарор фаолият юритиши ҳамда экспорт салоҳиятини кўпайтириш учун Республика товар-хом-ашё биржаси ҳамда манфатдор вазирликлар ва идоралар томонидан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг доимий ишловчи Uzbek.com электрон Интернет-майдончаси ташкил этилди. Ҳозирги вақтда электрон савдо тизимида тузилган биржа битимлари улгуржи савдоларнинг 40 фоиздан ҳам ортигини қамраб олмоқда.

ТИАИСВ ҳузуридаги ташқи савдо компаниялари ва пахта терминаллари «Информарказ» ягона тизимига бирлаштирилган бўлиб, бу тизим тузилган экспорт контракт-

лари, уларнинг ижроси ҳақида, шунингдек пахта толаси ортилгани тўғрисида онлайн-ахборот олишни таъмин этмоқда.

ДБК ҳузурида электрон декларациялаш портали ташкил этилган. Божхона брокерлари Интернет орқали ана шу порталга электрон рақамли имзони ўз ичига олган USB-калит ёрдамида киришлари мумкин.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспортини кенгайтириш учун 2010 йили ТИАИСВ exporter.uz Интернет портални ишга туширди. Унга биздаги 1 655 корхона ишлаб чиқараётган 5 700 дан ортиқ товарлар ҳақида ахборот



жойлаштирилган. Ана шу портал фаолият кўрсатиб келаётган вақт ичида харид қилиш учун 1 000 дан ортиқ сўров келиб тушди. Шу сўровларни ишловдан ўтказиш якунлари асосида ташқи савдо компаниялари умумий қиймати 2 млн доллардан ортиқ шартнома туздилар. Портал ёрдамида жами 17 млн АҚШ долларидан ҳам зиёдроқ миқдордаги товарлар экспорт қилинди.

Б.Очилов электрон савдо самарадорлигини ошириш юзасидан Вазирлик таклифларини йиғилиш аҳлига маълум қилди. Унга кўра электрон тижоратнинг Интернет платформаларини давлат даражасида ривожлантириш, уларни халқаро платформалар билан интеграциялаш, «бир дарча» принципи асосида хизмат кўрсатиш имконини берадиган электрон ҳужжат айланиши тизимини барпо қилиш ва амалиётга жорий этиш; электрон тижорат жабҳасида иштирок этаётган корхоналарни рағбатлантириш; норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш зарур.

СОҲА МУАММОЛАРИ

Анжуманда депутатлар электрон тижорат ва электрон тўловлар соҳасида ижобий тамойиллар билан бир қаторда жабҳанинг изчил ривожланишига монелик қилаётган қатор муаммолар борлигини ҳам таъкидлаб ўтдилар. Хусусан, Ўзбекистонда асосий иш «Бизнес-мижоз» деб юритилувчи В2С¹ модели бўйича чакана сектор доирасида олиб борилмоқда. «Бизнес-бизнес» деб юритилувчи В2В² электрон бизнес модели «панарокда қолиб кетмоқда». Европада В2В сектори тизими инфратузилмасининг технологик амал қилишида EDI маълумотларни электрон алмашилиш халқаро стандартларига асосланилмоқда. Бизда эса ундан амалда фойдаланилмапти ҳисоб.

Интернет орқали тузилган битимларга солиқ солишни, электрон тўловлар тартибини, буюртма (ҳақи тўланган) товар етказиб беришни тартибга солиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Электрон битимлар тузилганда қандай солиқлар ва бож тўловлари ундириб олиш ва бунда кимни Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб ҳисоблаш жоизлигини миллий қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйиш фурсати келди.

Давлат органларининг электрон тижоратда яхши иштирок этаётганлигини соҳа раванга топишига тўғаноқ бўлаётган омиллардан бири деб айтилди. Шу кунга қадар ТИАИСВ, банклар ва божхона органлари электрон контрактларни ҳисобга қўйиш, уларнинг ижросини мониторинг ва назорат қилиш масалаларини ҳал этишмаган. Мам-

лакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар учун электрон паспортларнинг давлат стандарти ҳам ишлаб чиқилмаган. Электрон усулда амалга оширилаётган тўловлар бўйича имтиёзлар ва преференцияларнинг аниқ рўйхати йўқ. Бозор муносабатларини электрон ҳужжатлар билан тасдиқлаш орқали давлат йўли билан тартибга солиш борасида электрон тижорат кўникмаларига эга бўлган кадрлар билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд. Электрон рақамли имзоларнинг ишончли (учинчи) тарафи ягона маркази, электрон тўловлар суғуртаси ҳам мавжуд эмас. Онлайн-терминаллари инфратузилмаси ҳам ривожланмаган.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, Қўмита қонунчиликни такомиллаштиришга ва унинг ҳуқуқни қўлланиш амалиётини мукамаллаштиришга қаратилган тегишли қарорлар қабул қилди.

Гулнора АБДУНАЗАРОВА,
парламентдаги мухбиримиз.

¹Business to Consumer.
²Business to Business.

УШБУ
СОҲАДА:

✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1-бет**
✓ **ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ**
– Электрон тижорат ва электрон тўловлар **2-бет**
ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Қонуллари:
– «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»;
– «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» (янги таҳрири).
Илтимосингизга кўра ҳужжат

– «Юк автотранспорт воситаларини «Қамчиқ» дово-нидан ўтиши ва ҳаракатланиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом» **3-бетлар**
✓ **ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ**
– Хўжалик шартномасида юрист имзоси шартми? **7-бет**
✓ **СОЛИҚ ТЎЛОВЧИГА ЁРДАМ**
– Қайта баҳолашни бошлаймиз **8-бет**

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНЛАРИ:

– «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»;

– «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» (янги таҳрири).

• ИЛТИМОСИНГИЗГА КЎРА ҲУЖЖАТ

– «Юк автотранспорт воситаларини «Қамчик» довонидан ўтиши ва ҳаракатланиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ

«НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

*Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 1 ноябрда қабул қилинган.
Сенат томонидан 2012 йил 5 декабрда маъқулланган.*

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги 160-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, N 1-2, 8-модда; 2004 йил, N 1-2, 18-модда; 2005 йил, N 1, 18-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент ш.,
2012 йил 24 декабрь
ЎРҚ-342-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА
(янги таҳрири)

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчасини, турларини, ўзаро нисбатини аниқлашдан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш тартибига ва уларнинг мазмунига қўйиладиган асосий талабларни белгилашдан, шунингдек уларнинг ижроси ташкил этилишини таъминлашдан иборат.

2-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг турлари ва ўзаро нисбати, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш тартибига ҳамда уларнинг мазмунига қўйиладиган асосий талаблар ва уларнинг ижроси ташкил этилишини таъминлаш Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам белгиланади.

3-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчаси

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ушбу Қонунга мувофиқ қабул қилинган, умум мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир.

4-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбе-

кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар (бундан буён матнда органлар деб юритилади) ҳисобланади.

2-БОБ. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИING
ТУРЛАРИ ВА ЎЗАРО НИСБАТИ

5-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатларидир ва улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

**Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 25 декабрдаги 250 (5670)-сонидан чоп этилган.*

палаталарининг қарорлари қонунлардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонуности ҳужжатларидир.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устуворлиги

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устуворлиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмас.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солиди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари конституциявий қонунлар тарзида қабул қилиниши мумкин.

Кодекслар Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан тасдиқланади.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар, қарорлар ва фармойишлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар-Маҳкамасининг қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

12-модда. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколати доирасида буйруқлар ҳамда қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Буйруқлар вазирлар томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилиш яқка тартибда амалга ошириладиган идоралар раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

Қарорлар давлат қўмиталари томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилишни мазкур идоранинг коллегиял органи амалга оширадиган идоралар томонидан қабул қилинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари бошқа вазирликлар, дав-

лат қўмиталари ёки идоралар билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қўшма қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг таркибий бўлинмалари ҳамда ҳудудий органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас.

13-модда. Вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳуқуқий ворислик

Вазирлик, давлат қўмитаси ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган идора қайта ташкил этилган тақдирда, ҳуқуқий ворисга ўз ваколати доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи билан бирга илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ваколатлари ҳам ўтади, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора тугатилган ёхуд у тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқини ҳуқуқий ворисига бермасдан қайта ташкил этилган тақдирда, илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ваколатлари юқори турувчи ёки бошқа ваколатли органга ўтади.

Вазирликнинг, давлат қўмитасининг ёки идоранинг номи ўзгартирилган тақдирда, унинг илгариги номи кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзгартирилган номга оид қисмига ўзгартириш ёки қўшимча киритилиши лозим. Бундай ўзгартиришлар ёхуд қўшимчалар киритилгунига қадар илгариги ном кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши номи ўзгартирилган вазирликка, давлат қўмитасига ёки идорага тўлиқ ҳажмда татбиқ этилади.

Вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора мақомининг ўзгартирилиши улар томонидан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилишининг тугатилишига олиб келмайди.

14-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколати доирасида қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти юқори турувчи органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

15-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланадиган низомлар, қоидалар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ушбу ҳужжатларнинг таркибий қисми бўлган низомлар, қоидалар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлар тасдиқланиши мумкин.

16-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбати

Турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилган органларнинг ваколатига ва мақомига, ушбу ҳужжатларнинг турларига, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган санага мувофиқ белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда, юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.

Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда, кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади, ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирликнинг, давлат қўмитасининг ёки идоранинг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун махсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил даражадаги бошқа вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлади.

3-БОБ. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИХАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ

17-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи (ишлаб чиқувчи) органлар ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ёки қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашнинг жорий (бир йилгача бўлган муддатга) ва истиқболга (бир йилдан ортиқ муддатга) мўлжалланган режаларини (дастурларини) ишлаб чиқиши ҳамда тасдиқлаши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш тартиби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи (ишлаб чиқувчи) органлар томонидан белгиланади.

18-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш тартиби

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш: лойиҳани тайёрлаш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш ва уни тайёрлаш ҳақида қарор қабул қилишни; лойиҳа тайёрлашни ташкилий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлашни;

зарур материаллар ва ахборот тўплашни; лойиҳанинг концепцияси баён қилинган тушунтириш хатини ишлаб чиқишни; лойиҳани тузишни; ҳуқуқий ва бошқа зарур экспертиза ўтказишни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритишнинг хусусиятлари «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланади.

19-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашни ташкил этиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун лойиҳани ишлаб чиқаётган ташкилот (бундан буён матнда ишлаб чиқувчи деб юритилади) томонидан ишчи гуруҳ (комиссия) тузилиши мумкин.

Ишчи гуруҳ (комиссия) таркибига ишлаб чиқувчининг тегишли бўлинмаларининг, тегишли тармоқлар ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг ёки идораларнинг, бошқа манфаатдор давлат органларининг, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар киритилиши мумкин. Бунда нодавлат ташкилотлар вакиллари, шунингдек фуқаролар ўз розилиги билан ишчи гуруҳ (комиссия) таркибига киритилади.

Ишчи гуруҳ (комиссия) аъзолари норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган тегишли билим ва тажрибага эга бўлиши керак.

Ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳнинг (комиссиянинг) фаолиятини таъминлаш учун давлат органларидан ва ўзга ташкилотлардан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган материалларни, статистика маълумотларини ва бошқа маълумотларни олишга, лойиҳа юзасидан илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ва мутахассисларнинг маслаҳатлари ҳамда тав-

сияларини, шунингдек экспертлар хулосаларини олишга ҳақлидир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган, зарур ҳолларда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашни давлат органларига, илмий ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида топширишга ёки уларга шартнома асосида буюртма беришга ҳақлидир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган, зарур ҳолларда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг муқобил лойиҳаларини тайёрлашни бир нечта давлат органига, илмий ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга ўз ваколатлари доирасида топширишга ёки улар билан шартномалар тузишга, шунингдек энг яхши норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси учун танловлар ўтказишга ҳақлидир.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

20-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда қонун ҳужжатларининг ҳолатини, қўлланилиш амалиётини, жамоатчилик фикрини ва халқаро тажрибани ўрганиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда ишлаб чиқувчи:

қонун ҳужжатларининг ҳолатини, лойиҳани тартибга солиш предмети бўйича қўлланилиш амалиётини ўрганади;

ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган нуқсонлар ва зиддиятларни, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни, қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ҳамда шароитларни аниқлайди;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек айрим фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ва мутахассисларнинг маслаҳатлари ва тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ҳамда улардан фойдаланади;

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини ҳисобга олади, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибасини ўрганади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг лойиҳалари қонунда белгиланган тартибда умумхалқ муҳокамасига қўйилиши мумкин. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасига қўйилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси манфаатдор давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирокида ўтказилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мутахассислар муҳокамаси тегишли тармоқлар мутахассислари иштирокида ўтказилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамаси иштирокчилари ишлаб чиқувчи томонидан унинг матни билан олдиндан таништирилиши лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг муҳокамаси жараёнида баён этилган таклифлар ва мулоҳазалар тавсия хусусиятига эга ҳамда ишлаб чиқувчи томонидан кўриб чиқилиши керак. Инобатга олинмаган таклифлар ва мулоҳазалар юзасидан тегишли тушунтиришлар берган ҳолда маълумотнома тайёрланади. Муҳокама материаллари норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга кўриб чиқиш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритиш билан бир вақтда киритилади.

21-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг экспертизаси

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспер-

тизадан ўтказилиши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқувчининг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг қарорига кўра иқтисодий, молиявий, илмий, экологик экспертизадан, шунингдек бошқа турдаги экспертизалардан ўтказилиши мумкин.

Экспертлар сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва (ёки) шахслар жалб қилинади. Экспертиза ўтказиш учун олимлар ва мутахассислар, шу жумладан, бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлардан олимлар ва мутахассислар жалб этилиши мумкин. Экспертлар норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига баҳо беришда мустақилдирлар ва улар экспертиза ўтказишни топширган органнинг нуқтаи назари билан боғлиқ бўлмайди.

Экспертларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича хулосалари тавсия хусусиятига эга ва ишлаб чиқувчи ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган томонидан кўриб чиқилиши керак. Хулосанинг инobatга олинмаган бандлари юзасидан тегишли тушунтиришлар берган ҳолда маълумотнома тайёрланади.

22-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси

Ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги текширилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси ишлаб чиқувчининг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг юридик хизмати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин. Бунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини бошқа турдаги экспертизалар ўтказилганидан кейин амалга оширади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси давомида мазкур лойиҳаларнинг уларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш нуқтаи назаридан ҳам таҳлилини амалга оширади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

23-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга киритиш

Тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга тушунтириш хати билан киритилиб, унда ҳужжатни қабул қилишнинг зарурлиги асосланади, ишлаб чиқувчилар кўрсатилади, норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунининг қисқача тавсифи берилади, лойиҳа келишилган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг рўйхати келтирилади, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича келишмовчиликларнинг мазмуни ҳамда улар ҳақидаги асосланган фикр қисқача баён этилади. Зарурат бўлганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига уни асослаш учун молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотлар илова қилинади.

Ишлаб чиқувчи қонун лойиҳасини киритаётганда халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли қоидаларини, тегишли халқаро тажрибани Ўзбекистон Республикаси шароитида қўллаш мақбуллиги тўғрисидаги асосли таклифларни кетма-кетлик тартибда кўрсатган ҳолда таҳлилий қиёсий жадвалларни тайёрлаши шарт.

Халқаро ҳужжатлар ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг принциплари, қоидалари ҳамда таърифларининг тайёрланган батафсил таҳлилининг ўз ичига олган қиёсий жадвалсиз киритилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилмайди.

4-БОБ. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

24-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунига қўйиладиган талаблар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва раvon тилда баён этилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади. Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда уни амалга оширишнинг ҳуқуқий воситалари, шу жумладан, молиялаштириш манбалари, рағбатлантириш, мукофотлаш ва назорат қилиш чора-тадбирлари кўрсатилиши мумкин.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг мажбуриятларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ушбу мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари, агар бундай чоралар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бўлса ёки алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланмаслиги керак бўлса, назарда тутилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат унинг қабул қилиниши сабаблари ва мақсадларига оид тушунтиришни қамраб олган муқаддимага эга бўлиши мумкин. Ҳуқуқий нормалар муқаддимага киритилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ҳуқуқий нормалар тартиб рақамига эга бўлган моддалар кўринишида баён этилади. Моддалар қисмларга ажратилиши мумкин. Моддаларнинг қисмлари бандлар, кичик бандлар ва хатбошиларни қамраб олиши мумкин. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳуқуқий нормалар тартиб рақамига эга бўлган бандлар тарзида баён этилади. Бандлар кичик бандлар ва хатбошиларга ажратилиши мумкин.

Ҳажм жиҳатидан йирик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунан яқин бўлган моддалари (бандлари) параграфлар ва бобларга бирлаштирилади. Зарур ҳолларда боблар бўлимларга ва кичик бўлимларга бирлаштирилиши мумкин. Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар ва параграфлар сарлавҳаларга эга бўлади ҳамда рақамланади.

Зарур ҳолларда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатда юридик, техник ва бошқа махсус атамалар ҳамда тушунчаларнинг қисқача таърифи берилади, умум қабул қилинган қисқартмалар қўлланилади ва бошқа қисқартмаларга тушунчалар берилади.

Зарур ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатда юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг айрим қоидалари мазкур ҳужжатга ҳавола қилинган ҳолда айнан такрорланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда, қоида тариқасида, худди шундай юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий нормалари қайта айнан такрорланмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳаволалар ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш ёки такрорлашларга йўл қўймаслик зарурати бўлган ҳолларда қўлланилади. Ҳаволалар аниқ бўлиши ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ёхуд унинг алоҳида қоидаларини кўрсатиши керак.

25-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ре- визитлари

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидаги ре-
визитларга эга бўлади:

ҳужжатнинг тури ва номи;

ҳужжат қабул қилинган жой, сана (Ўзбекистон Рес-
публикасининг қонунлари учун маъқулланган ва имзо-
ланган сана ҳам), рақами (вазирликлар, давлат қўми-
талари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари
учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган сана ва рўйхат-
га олиш рақами ҳам);

тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнини тасдиқ-
лашга расман ваколати бўлган шахснинг лавозими,
имзоси, исмининг бош ҳарфи ва фамилияси.

26-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг рас- мий матнини тасдиқлаш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матни унга
имзо қўйиш йўли билан, яъни:

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни – Ўзбекистон
Республикасининг Президенти;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик
палатасининг қарори – Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
қарори – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Се-
натининг Раиси;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони,
қарори ва фармойиши – Ўзбекистон Республикасининг
Президенти;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
қарори – Ўзбекистон Республикаси Бош вазири;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
буйруқлари ҳамда қарорлари – норматив-ҳуқуқий ҳуж-
жатни қабул қилган орган раҳбари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорла-
ри – тегишли ҳоким томонидан тасдиқланади.

27-модда. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар норма-
тив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътибо-
ран ўн кун ичида уларни давлат рўйхатидан ўтказиш
учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақ-
дим этади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳуж-
жатлари тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий
жиҳатдан тартибга солиш учун асос бўлиб хизмат қили-
ши мумкин эмас ва ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
мансабдор шахслари давлат рўйхатидан ўтказилмаган
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга киритганлик
учун маъмурий жавобгарликка тортилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

5-БОБ. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ, УЛАРНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШИ

28-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишга доир талаблар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда
эълон қилиниши керак. Расмий эълон қилинмаган
қонун асосида ҳеч ким ҳукм қилиниши, жазога тортили-
ши, мол-мулкдан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум
қилиниши мумкин эмас.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат баён тарзида расмий эълон
қилинишига йўл қўйилмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий эълон қилинганда
унинг барча ре-
визитлари кўрсатилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳал-
лий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳуж-
жатлари матнларининг электрон шакллари уларнинг
расмий веб-сайтларида эълон қилиниши шарт. Вазир-
ликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий дав-
лат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

матнларининг электрон шакллари эълон қилиш тар-
тиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
томонидан белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашрларда
эълон қилишга, шунингдек уларни қонун ҳужжатлари-
нинг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатишга
норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий манбаларда эълон
қилинганидан сўнг, уларнинг барча ре-
визитларини, улар эълон қилинган расмий нашрларни ва уларнинг
кучга кириш санасини кўрсатиш шarti билан йўл қўйи-
лади. Бунда расмий нашрларда эълон қилинган норма-
тив-ҳуқуқий ҳужжат матнининг аниқ такрорланиши таъ-
минланиши лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг эълон қилиниши
улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

29-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбалар

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палатала-
рининг Ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси
қонун ҳужжатларининг тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народ-
ное слово» газеталари Ўзбекистон Республикасининг
Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон
Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари
ва фармойишлари эълон қилинадиган расмий манба-
лардир.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг
тўплами», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатла-
рининг тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» га-
зеталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкама-
сининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манба-
лардир.

«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг
тўплами», шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари
ва идораларнинг расмий нашрлари вазирликлар, давлат
қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжат-
лари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий
нашрлари мазкур органларнинг қарорлари эълон қили-
надиган расмий манбалардир.

30-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириши

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатларнинг
ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, улар расмий
эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

31-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг орқага қайтиш кучи

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига
эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага
келган ижтимоий муносабатларга нисбатан татбиқ эти-
лади, ушбу модданин-
г иккинчи қисмида назарда тутил-
ган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни у амалга кири-
тилишига қадар юзага келган ижтимоий муносабатларга
нисбатан қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳол-
лардагина татбиқ этилади. Агар Ўзбекистон Республи-
касининг Қонуни содир этилган пайтда жавобгарликка
сабаб бўлмаган ёки енгилроқ жавобгарликка сабаб
бўлган хатти-ҳаракатлар учун юридик ва жисмоний шах-
сларнинг жавобгарлигини жорий этишни ёхуд кучайти-
ришни назарда тутса ёхуд юридик ва жисмоний шахс-
ларга моддий зарар етказса, қонунга орқага қайтиш
кучини бериш мумкин эмас.

32-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳудуд бўйича амал қилиши

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳудуд бўйича амал
қилиши норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган
органнинг юрисдикцияси билан белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган
унинг ҳудуд бўйича амал қилиши доирасини чеклаб
қўйиши мумкин.

33-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг вақт бўйича амал қилиши

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат, агар унинг матнида бош-
қача изоҳ берилмаган бўлса, муддатсиз амал қилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш муддати
бутун ҳужжат учун ёки унинг қисмлари учун белгилани-

ши мумкин. Бундай ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёхуд унинг қисми қайси муддатга ёки қандай ҳодиса юз берганига қадар ўз кучини сақлаб қолиши кўрсатилиши керак.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган белгиланган муддат тугагунига қадар ёки ҳодиса юз берганига қадар ҳужжатнинг ёки унинг қисмининг амал қилишини янги муддатга, бошқа ҳодиса юз берганига қадар узайтириш тўғрисида ёхуд норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонун ҳужжатларига, ўтказилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларига, жамиятдаги барқарор ҳуқуқий муносабатларга мувофиқ бўлган тақдирда ҳужжатга (унинг қисмига) муддатсиз тус бериш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

34-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг шахслар доираси бўйича амал қилиши

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахсларига, шунингдек ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширганда чет эл юридик шахсларига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, татбиқ этилади.

35-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат амал қилишининг тўхтатиб турилиши ва тугатилиши

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг қисмининг амал қилиши уни қабул қилган орган ёхуд унинг юқори турувчи органи томонидан муайян муддатга ёки муайян ҳодиса юз берганига қадар тўхтатиб турилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми қуйидаги ҳолларда ўзининг амал қилишини тугатади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми мўлжалланган муддат тугаганда ёки ҳодиса юз берганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми қонунда белгиланган тартибда Конституцияга хилоф ёхуд ҳақиқий эмас деб топилганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми ўз кучини йўқотган деб топилганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми бекор қилинганда.

36-модда. Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш

Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зарур ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилади ва илгари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги ҳуқуқий нормаларга зид бўлса ёхуд янги ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган деб топилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб топилиши керак.

Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар, ўз кучини йўқотган деб топилаётган тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки улар қисмлари рўйхати норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзида кўрсатилиши лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилиши ёки ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим бўлган тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари сони анча кўп бўлган тақдирда, мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати алоҳида ҳужжат сифатида расмийлаштирилади. Бундай ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқувчи томонидан тайёрланади ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси билан бир вақтда тақдим этилади.

37-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини тарқатиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини тарқатиш норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни билан монеликсиз та-

нишиш имкониятини таъминлайдиган ҳар қандай шаклда амалга оширилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини тарқатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

6-БОБ. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ИЖРОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТАЪМИНЛАШ

38-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этувчи ва таъминловчи органлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижросини ташкил этади ҳамда таъминлайди.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар, уларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатларига киритилган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этади ҳамда таъминлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини тегишли ҳудудда ташкил этади ва таъминлайди.

39-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва таъминлаш борасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) қарорлар қабул қилади;

вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг ишини мувофиқлаштиради ҳамда йўналтиради, уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш борасидаги ваколатларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш учун зиммасига жавобгарлик юклатиладиган вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ҳамда мансабдор шахсларни белгилайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

40-модда. Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ҳамда таъминлаш борасидаги ваколатлари

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар ўз ваколатлари доирасида:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижро этилишига қаратилган зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилишини амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг тарқатилишини таъминлайди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича бошқа ташкилотлар билан биргаликда зарур тушунтириш ишларини ташкил этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш учун ўз ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, тегишли тармоқда қонун ҳужжатларининг қўлланилиши амалиётини ўрганади ва зарурат бўлганда, қонун ҳужжатларини

такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади; белгиланган тартибда норматив-хукукий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисобини юритади.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

41-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-хукукий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва таъминлаш борасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли ҳудудда:

норматив-хукукий ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) қарорлар қабул қилади;

норматив-хукукий ҳужжатлар матнларининг тарқатилишини таъминлайди, норматив-хукукий ҳужжатлар бўйича бошқа ташкилотлар билан биргаликда зарур тушунтириш ишларини ташкил этади;

тегишли давлат органларининг норматив-хукукий ҳужжатларни ижро этиш бўйича ишларини мувофиқлаштиради ва йўналтиради;

норматив-хукукий ҳужжатлар ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, қонун ҳужжатларининг қўлланилиши амалиётини ўрганади ва зарурат бўлганда, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

белгиланган тартибда норматив-хукукий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисобини юритади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

42-модда. Норматив-хукукий ҳужжатлар ижросининг мониторинги ва назорати

Норматив-хукукий ҳужжатлар ижросининг мониторинги ва назорати давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилув-

чи органлар фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига, қонунийликка риоя этилишининг мониторинги ҳамда назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятидаги қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот беради.

7-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

43-модда. Норматив-хукукий ҳужжатларни расмий шарҳлаш

Норматив-хукукий ҳужжатларни расмий шарҳлаш норматив-хукукий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига расмий шарҳни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди беради.

Қонуности ҳужжатлар нормаларига расмий шарҳни уларни қабул қилган органлар беради.

Норматив-хукукий ҳужжатларни расмий шарҳлаш жараёнида уларга нормаларни аниқлаштиришга қаратилган тузатишлар, ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

44-модда. Норматив-хукукий ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш

Норматив-хукукий ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш ушбу ҳужжатларни марказлаштирилган тарзда йиғиш, қайд этишни, уларнинг фондларини яратиш ва назорат ҳолатида сақлаб туришни ҳамда бундай ҳужжатлар ҳақидаги марказлаштирилган ахборотларни ўз ичига олади. Қонун ҳужжатларида норматив-хукукий ҳужжатларни давлат ҳисобига олишга доир қўшимча талаблар белгиланиши мумкин.

Норматив-хукукий ҳужжатларни давлат ҳисобига олишни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Илтимосингизга кўра ҳужжат



Биз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланамиз. Жорий йилда мева ва сабзавотларни ишлаб чиқариш учун хом ашё сотиб олиш мақсадида Фарғона водийсида жойлашган бир қатор фермер хўжаликлари билан шартномалар туздик. Уларни ўзимиз олиб чиқиб кетмоқчимиз, бунинг учун бир жуфт юк машинамиз ҳам бор. Лекин эшитишимизча, «Қамчиқ» довонидан юк ташиш учун фақат махсус жиҳозланган автотранспортдан фойдаланиш

мумкин экан.

Бу масала қайси ҳужжатлар билан тартибга солинади?

Ш.Валиев, ХК директори.

АВда 2012 йил 21 сентябрда 2391-сон билан рўйхатдан ўтказилган ЎзР ИИБ ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2012 йил 3 августдаги 28, 5-сон қарорига
ИЛОВА

ЮК АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ «ҚАМЧИҚ» ДОВОНИДАН ЎТИШИ ВА ҲАРАКАТЛАНИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

(Кўчирма*)

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 38-сон, 443-модда)

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрдаги 342-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги автомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлаш ва ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 52-сон, 562-модда) ва 2012 йил 10 июлдаги 204-сон «Қамчиқ» довони

орқали автомобиль транспортида юк ташишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 28-сон, 319-модда) қарорларига мувофиқ юк ташиётган юк автотранспорт воситаларини «Қамчиқ» довонига кириши ҳамда унда ҳаракатланиши устидан назорат қилиш тартибини белгилайди.

*Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТда ва www.norma.uz сайтида танишиш мумкин.

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 2-сон, 14-модда) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 июлдаги 138-сон «Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 272-модда) мувофиқ тижорат асосида амалга ошириладиган юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолияти лицензияланиши лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрдаги 342-сон қарори билан тасдиқланган Катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни автомобиль транспортида ташишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш қоидаларига (бундан буён матнда Қоидалар деб юритилади) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида келишилган аниқ йўналиш бўйича катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни ташиш махсус рухсатнома орқали амалга оширилади.

3. Хавфли юкларни ташиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 35-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 7-8-сон, 59-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш қоидалари ҳамда мазкур Низом талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 июлдаги 204-сон «Қамчиқ» довони орқали автомобиль транспортида юк ташишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ юк автотранспорт воситасининг фойдаланиш муддати:

25 йил ва ундан ортиқ бўлса – 2012 йил 1 октябрдан;

20 йил ва ундан ортиқ бўлса – 2014 йил 1 июлдан;

15 йил ва ундан ортиқ бўлса – 2016 йил 1 июлдан бошлаб ушбу автотранспорт воситасида «Қамчиқ» довони орқали юкларни ташиш тақиқланади.

II БОБ. ЮК АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ «ҚАМЧИҚ» ДОВОНИГА КИРИШИ

5. Юк автотранспорт воситалари «Қамчиқ» довонига киришидан олдин мажбурий тартибда габарит ва вазн ўлчамлари текширувидан ўтади.

6. Юк автотранспорт воситаларини, шунингдек уларга ортилган юк габарити ва вазни ўлчамларини текшириш ҳамда назорат қилиш А-373 «М-39 Гулистон – Бўка – Ангрен – Қўқон Андижон орқали – Ўш автойўли» автомобиль йўлининг 185 ва 273-километрларида замонавий технологик қурилмалар билан жиҳозланган назорат пунктлари қуриб битказилгунга қадар ушбу автомобиль йўлининг 193 ва 268-километрларидаги «Чинор» ва «Наманган» мунтазам йўл-патруль хизмати масканларида «Ўзавтойўл» ДАК ҳамда Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (бундан буён матнда ИИВ ДЙХХХ деб юритилади) томонидан ҳамкорликда амалга оширилади. Бунда қуйидагиларга жиддий эътибор қаратилади:

ҳайдовчининг тегишли тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ва юк ташишга тааллуқли ҳужжатлари борлигига;

йўл варақасида ҳайдовчи тиббий, юк автотранспорт воситаси эса техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги белги борлигига;

юк автотранспорт воситасининг ишлаб чиқарилган

йилига ва унинг техник ҳолатига;

ортилган юк габарити ва вазн ўлчамларига.

8. «Ангрен – Поп – Ангрен» йўналишида нефть маҳсулотларини махсус кузатув автомобиллари ёрдамида ташиётган «Автонепттранс» автомобиль транспорт жамламасига қарашли юк автотранспорт воситаларига ортилган юк габарити ва вазн ўлчамларини текшириш «Ангрен – Поп» терминаллардан фойдаланиш дирекциясида амалга оширилади.

9. «Қамчиқ» довони орқали катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни ташиётган ҳар бир юк автотранспорт воситаси «Ўзавтойўл» ДАКнинг «Қамчиқавтойўл» ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш корхонаси томонидан юритиладиган махсус китобда қайд этилади.

10. Катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни «Қамчиқ» довони орқали махсус рухсатномасиз олиб ўтиш қатъиян ман этилади.

11. Юк автотранспорт воситасида унинг техник кўрсаткичига нисбатан ортиқча вазндаги юклар бўлса, юк ташувчи (ёки юк эгаси) томонидан ортиқча юкнинг туширилиши ёки бошқа транспорт воситасига ортилиши таъминланади.

III БОБ. ЮК АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ «ҚАМЧИҚ» ДОВОНИ ОРҚАЛИ ҲАРАКАТЛАНИШИ

12. Юк автотранспортда ҳаракатланаётганда йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилиниши лозим.

Бунда:

ҳаракат хавфсизлиги таъминланиши;

икки ёки ундан ортиқ юк автотранспорт воситасида юк ташишда, қонунчиликда белгиланган (ёки зарурият бўлган) ҳолларда ўрнатилган тартибда тўлов асосида ИИВ ДЙХХХ патруль автомобили кузатуви остида ҳаракатланиши;

катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни ташишни куннинг фақат ёруғ вақтида амалга оширилиши керак.

13. «Автопоезд» таниқлик белгиси автопоезд ҳаракатланаётганда, куннинг қоронғи вақтида эса йўлда тўхташ ва тўхтаб туриш пайтида ҳам ёқиб қўйилиши керак.

14. Юк автотранспорт воситаси ҳайдовчиси «Қамчиқ» довони орқали:

колонна таркибида ҳаракатланиш зурурияти туғилганида яқинни ёритувчи фаралар ёқилган ва узатма ёки тишлашиш механизмини ажратмаган ҳолатда (соатига 40 километрдан юқори бўлмаган тезликда) ҳаракатланади ҳамда юк автотранспорт воситасини тўла тўхтатиш ёки бошқа ҳаракат қатнашчиларига хавфсиз айланиб ўтиш имконини берадиган оралиқ масофани таъминлайди;

йўналиш бўйлаб фақат ўнг тарафдаги (четки) бўлакдан ҳаракатланади, автотранспорт воситаларини қувиб ўтмайди (йўл четидида турган автотранспорт воситаларини айланиб ўтиш ҳолатларидан ташқари);

юк билан кетаётганида бошқа автотранспорт воситаларини шатакка олмасдан ҳаракатланади;

тоннеллар орқали битта-биттадан ўтади;

техник носозлик юз берганида, юк автотранспорт воситасини хавфсиз майдонларга (иложи бўлмаган ҳолларда йўлнинг қатнов қисмидан четга) чиқариб тўхтатади;

юк автотранспорт воситасининг тўхтатиш тизими ишламай қолганида «фалокатли ҳолатлар учун кириш йўли»дан фойдаланади.

IV БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

15. Ушбу Низомда белгиланган талабларни бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

16. Ушбу Низом «Ўзавтойўл» Давлат-акциядорлик компанияси билан келишилган.

ДИРЕКТОР ИШОНЧНОМАСИЗ ҲАМ ДИРЕКТОРДИР

Мен компания раҳбариман, Тошкентдан Урганчга хизмат сафарига йўл олдим. Қайтишга чиптани олдиндан харид қилмадим, чунки Бухорога автотранспортда боришни ҳам режалаштирган эдим. Бироқ вазият ўзгариб, тўғри Тошкентга қайтиш керак бўлиб қолди. Урганчдаги авиакассага келдим, паспортим ва директор сифатида менинг номимга расмийлаштирилган корпоратив банк картасини тақдим этдим. Кассада менга чипта сотишдан бош тортиб, аввал хизматлар кўрсатишга шартнома тузишни талаб қилишди. Касса ходимлари билан узоқ мубоҳаса қилиб, шартнома керак эмас, бироқ корпоратив банк картаси бўйича чипта ҳақини тўлашим учун ташкилотдан ишончнома тақдим этишим кераклиги хусусида битимга келдик. Мен мазкур ҳаракатларни авиачипталарни корпоратив карта бўйича реализация қилиш қоидаларини белгилайдиган бирор-бир ҳужжат билан асослашларини талаб қилдим. Бироқ касса ходимлари раҳбариятнинг кўрсатмаси борлигини айтдилар холос. Охир-оқибатда чиптани харид қилдим, тўловнинг бир қисмини нақд пул билан, бир қисмини эса ўзимнинг «иш ҳақи» карточкамдан тўладим.

Авиакассалар ва (ёки) темир йўл кассаларида чиптани корпоратив пластик карта бўйича қандай харид қилиш мумкин? Ушбу тартиб қайси ҳужжат билан тартибга солинади, кейинги гал хизмат сафарига чиққанда ўзимиз билан қандай ҳужжатларни олишимиз керак?

МЧЖ директори.

– Кассада сизга корпоратив банк картаси бўйича тўловни қабул қилишдан асоссиз равишда бош тортишган. Юридик шахслар томонидан


картасининг олд томонида банк картасининг мажбурий реквизитлари сифатида юридик шахснинг расмий (фирма) номи ёки юридик шахснинг ёзма илтимо-

шакллантириш тартиби тўғрисида низомда² назарда тутилган харажатларни тўлаш учун нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишлари мумкин.

«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун³ 39-моддаси тўртинчи қисмининг иккинчи хатбошисига мувофиқ МЧЖнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи (директори) жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва битимлар тузади.

Шу тариқа, юқорида кўрсатилган меъёрларга риоя этилганда директор ташкилотнинг корпоратив банк картасидан ишончномасиз фойдаланишга ҳақли, авиачипталар ёки темир йўл чипталари сотиладиган кассада эса унинг тўловини қабул қилишдан бош тортишга ҳақли эмаслар. Ўз лавозимини тасдиқлаш учун директорнинг юридик шахс томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилган гувоҳномани тақдим этиши кифоя. Хизмат сафарига борганда ёнида хизмат сафари гувоҳномаси ҳам бўлиши лозим (Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқноманинг⁴ 2-банди).

Артём МОКШИН,
«Норма» эксперт юридик хизматининг раҳбари.



миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом¹ (бундан кейин – Низом) 1-бандининг «б» кичик банди корпоратив банк картасининг сақловчиси сифатида юридик шахс ёки юридик шахс билан эмитент банк ўртасидаги шартнома асосида корпоратив банк картасидан фойдаланувчи, у ваколат берган шахсни белгилайди.

Низомнинг 2-бандида назарда тутилишича, корпоратив банк

сига кўра корпоратив банк картасини сақловчи шахснинг фамилияси, исми-шарифи кўрсатилиши лозим.

Низомнинг 6-бандига кўра корпоратив банк карталарининг сақловчилари савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида миллий валютадаги корпоратив банк карточкаларидан фойдаланган ҳолда Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни

¹МБ бошқарувининг АВ томонидан 18.04.2005 йилда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

²ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган.

³6.12.2001 йилдаги 310-И-сон.

⁴МВ ва МАИМКВнинг АВ томонидан 29.08.2003 йилда 1268-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

Хўжалик шартномасида юристнинг визаси бўлиши шартми? У қўйилмагани учун қандай жазо чоралари назарда тутилган? Агар унда юристнинг визаси бўлмаса, шартнома ҳақиқий бўлмайдими?

Мансур.

ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИДА ЮРИСТ ИМЗОСИ ШАРТМИ?

– «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг¹ 21-моддасига биноан хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида субъектнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзо (виза)ларисиз тузишга йўл қўйилмайди.

Энг кам иш ҳақи миқдорининг 200 бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади.

Олий хўжалик суди Пленумининг 4.03.2002 йилдаги 103-сон қарорига² кўра юқорида кўрсатилган талабларга риоя этилмаслиги битимнинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келмайди. Судлар низоларни моҳиятига кўра ҳал этаётганда мазкур талабга риоя этилмаслигига қонунни бузиш сифатида қарашлари керак.

Яъни хўжалик шартномасини виза ёки юридик хулосасиз тузиш «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунни бузиш ҳисобланади. Гарчи уларнинг йўқлиги учун жавобгарлик назарда тутилмаган бўлсада, қонунни бузмаслик керак: шартномаларнинг қонун ҳуж-

жатларига мувофиқлигини текшириш керак.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларига кўра у ёки бу органда рўйхатдан ўтказилиши керак бўлган муайян турдаги контрактлар мавжуд. Агар бундай контрактда юридик хулоса бўлмаса, уни рўйхатдан ўтказиш учун қабул қилмайдилар.

Масалан, экспорт контрактлари Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида (ТИАИСВ) рўйхатдан ўтказилиши керак³. ТИАИСВда экспорт контрактларини рўйхатдан ўтказиш ва импорт контрактларини экспортпертиза қилиш учун, бошқа ҳужжатлардан ташқари, контрактнинг суммаси ЭКИХнинг 200 бараваридан ортиқ бўлса, контракт бўйича унинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан юридик хулоса тақдим этиш керак. Бундан ташқари, контрактни банкда рўйхатдан ўтказиш учун сиздан унга доир юридик хулосани ҳам сўрашади.

Умуман олганда, дунёдаги кўпгина мамлакатларда юрист ва адвокат касблари жуда зарур касблар ҳисобланади. Бирорта бизнесмен улар билан келишмасдан туриб контрактга имзо чекмайди. Буни шунчаки одат ёки эҳтиёткорлик чораси деб бўлмайди – давр талаби ана шундай.

Ленара ХИКМАТОВА,
юрист.

¹29.08.1998 йилдаги 670-И-сон.

²Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунини хўжалик судлари амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида».

³Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектлари томонидан тузиладиган экспорт контрактлари (шартнома ва битимлар)ни рўйхатга олиш ва импорт контрактлари (шартнома ва битимлар)ни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (ТИАИСВ, МВ ва ДБКнинг АВ томонидан 3.07.2006 йилда 1588-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган).

Реклама

“AMIR-AUDIT” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.
УЭР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон Республикасидаги барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказиш

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Тел.: (+99899) 187-04-68, (+99899) 644-62-23, 296-55-78; факс: (8371) 296-52-15



«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч. 1/1, 6-қават.

Тел. (998 71) 283-23-74. E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

ҚАЙТА БАҲОЛАШНИ БОШЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида Низомнинг* 7-бандини ижро этиш мақсадида 2013 йил 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни қайта баҳолаш индекслари ишлаб чиқилди. Мазкур индекслар кўрсатилган Низомга мувофиқ тайёрланган ҳамда асосий фондларни навбатдаги қайта баҳолашда қўллаш мумкин бўлган усуллардан бири сифатида корхона ва ташкилотлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Б.МИРУСМОНОВ,
Давстатқўм раисининг биринчи ўринбосари.

*МИСВ, МВ ва ДСКнинг АВ томонидан 4.12.2002 йилда 1192-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

2013 йил 1 январь ҳолати бўйича асосий фондлар, ўрнатилган ускуналар ва қурилиши тугалланмаган объектлар қийматини (уларни харид қилиш, тайёрлаш, қуриш даврлари бўйича) ҚАЙТА БАҲОЛАШ ИНДЕКСЛАРИ

Асосий фондларнинг гуруҳлари ва кодлари	1990 йилгача (1990 йил ҳам қиради)	1991–2002 й.й.	2003–2009 й.й.	2011 й.	2012 й.			
					I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
1. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш бинолари (10000 – 10018)								
М-1 гуруҳи	1,008	1,064	1,097	1,120	1,101	1,058	1,035	1,015
М-2 гуруҳи	1,000	1,053	1,086	1,108	1,090	1,047	1,024	1,004
М-3 гуруҳи	1,000	1,042	1,075	1,097	1,079	1,037	1,014	1,000
М-4 гуруҳи	1,000	1,032	1,065	1,086	1,069	1,027	1,004	1,000
М-5 гуруҳи	1,000	1,022	1,054	1,076	1,058	1,016	1,000	1,000
2. Иншоотлар (20000 – 20382)								
М-1 гуруҳи	1,008	1,064	1,097	1,120	1,101	1,058	1,035	1,015
М-2 гуруҳи	1,000	1,053	1,086	1,108	1,090	1,047	1,024	1,004
М-3 гуруҳи	1,000	1,042	1,075	1,097	1,079	1,037	1,014	1,000
М-4 гуруҳи	1,000	1,032	1,065	1,086	1,069	1,027	1,004	1,000
М-5 гуруҳи	1,000	1,022	1,054	1,076	1,058	1,016	1,000	1,000
3. Узатиш қурилмалари (30000 – 30124)								
	1,033	1,091	1,125	1,148	1,122	1,065	1,039	1,014
4. Машиналар ва ускуналар								
4.1. Куч машиналари ва ускуналар (40000 – 40719)	1,018	1,074	1,108	1,131	1,124	1,087	1,031	1,011
4.2. Ишчи машиналар ва ускуналар (41000 – 46119)	1,018	1,074	1,108	1,131	1,124	1,087	1,031	1,011

Минтақалар гуруҳлари:

- М-1 гуруҳи** – Тошкент ш.
- М-2 гуруҳи** – Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари
- М-3 гуруҳи** – Андижон, Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари
- М-4 гуруҳи** – Наманган, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари
- М-5 гуруҳи** – Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё вилоятлари


Асосий фондларнинг гуруҳлари ва кодлари	1990 йилгача (1990 йил ҳам қиради)	1991–2002 й.й.	2003–2009 й.й.	2011 й.	2012 й.			
					I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
4.3. Ўлчов ва бошқарув асбоб ва қурилмалари, лаборатория жиҳозлари (47000 – 47066)	1,018	1,074	1,108	1,131	1,124	1,087	1,031	1,011
4.4. Ҳисоблаш техникаси (48000 – 48010)	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
4.5. Бошқа машина ва ускуналар (49000 – 49303)	1,018	1,074	1,108	1,131	1,124	1,087	1,031	1,011
5. Транспорт воситалари (50000 – 50709)								
Енгил автомобиллар	1,057	1,116	1,151	1,174	1,170	1,118	1,030	1,014
Бошқа транспорт воситалари	1,022	1,079	1,113	1,136	1,129	1,091	1,036	1,013
6. Асбоб-ускуналар (60000 – 60002)								
	1,000	1,052	1,085	1,107	1,101	1,072	1,035	1,016
7. Ишлаб чиқариш ва хўжалик анжомлари, мебелсиз (70000 – 70002, 70005 – 70012)								
	1,000	1,052	1,085	1,107	1,101	1,072	1,035	1,016
8. Мебель (70003 – 70004)								
	1,031	1,089	1,123	1,146	1,142	1,104	1,044	1,024
9. Ишчи ва маҳсулдор моллар (80000)								
	1,000	1,000	1,109	1,168	1,173	1,165	1,144	1,084
10. Кўп йиллик кўчатлар (90000 – 90021)								
	1,000	1,034	1,066	1,088	1,079	1,056	1,040	1,023
11. Кутубхона фондлари								
	1,000	1,034	1,067	1,089	1,074	1,041	1,024	1,009
12. Бошқа асосий фондлар								
	1,000	1,052	1,086	1,108	1,095	1,062	1,038	1,018
13. Қурилиши тугалланмаган объектлар								
	1,013	1,070	1,103	1,126	1,112	1,071	1,035	1,014
14. Ўрнатилмаган ускуналар								
	1,022	1,079	1,113	1,136	1,129	1,091	1,036	1,013

Изоҳ. Асосий фондлар кодлари 1990 йилги Амортизация ажратмаларининг ягона меъёрларига мувофиқлаштирилган.

Ташкилотлар балансидаги турар жой фонди объектлари, уларни қайта баҳолашга доир бошқа меъёрий ҳужжат бўлмаса, 1,0 коэффициенти билан қайта баҳоланади.

Реклама

МУЗЛАТКИЧ ВА САВДО УСКУНАЛАРИ



Тошкент ш., Боғишамол кўч., 160
Тел.: (+998 71) 234-34-75, 234-12-69
235-11-30, 216-09-00, 217-09-57

WWW.AZN.UZ
E-mail: azn@azn.uz
маҳсулот сертификатланган

ISO халқаро стандартларига мос равишда ишлаб чиқарилган

Эълонлар

СОТИЛАДИ

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)*. Тел.: 926-32-23.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел. (+998 90) 370-63-06.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Юрларни божхонадан ўтказиш, БЮДни расмийлаштириш. Тел.: 809-26-11, 233-33-26.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, (+998 90) 346-16-89.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. (+998 90) 346-16-89.

ХИЗМАТЛАР

Дарвозалар, тўсиқлар, панжараларни жимжимадор қилиб ясаш. Арзон. www.golden-kovka.uz. Тел. (+998 90) 955-68-02.

Сервис маркази. Принтерлар, компьютерлар, мониторларни таъмирлаш, картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел. 996-77-87.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Солиқ органига, туман статистика бўлимига, Халқ банкига топшириладиган электрон ҳисоботлар учун дастурларни ўрнатиш, сошлаш. Тел. 963-89-58.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУКУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас. «Norma маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Norma» газеталари бирлашган таҳририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1). Индекс – 186 Буюртма 698 Адади 2 760. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2012 йил 28 декабрда соат 19.30 да топширилди.
ISSN 2010-5223